




РЕФЕРАТ

ГР. 15-13 ЕСТЖ



Италия



Италия

- ☀ Италия Европа жанубида, Адриатика ва Ўрта денгиз соҳилларидаги гўзал диёр. Унинг ҳудуди Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ва бошқа кичик ороларни ўз ичига олган. Майдони уч юз минг квадрат километрдан кўпроқ. Аҳолиси 57,679 млн. киши (2001). Маъмурий жиҳатдан йигирма вилоятга бўлинади. Пойтахти – Рим шаҳри.



Италия байроғ



Италия герби



- ☀ Венеция – сув устидаги шаҳар. У 122 кичик оролдан иборат бўлиб, тўрт юздан ортиқ кўприк билан бир-бирига туташган.
- ☀ Болонья, Рим, Неаполь, Милан, Генуя ва бошқа шаҳарлардаги йирик университетлар қошида илмий муассасалар фаолият олиб боради. Ядро физикаси миллий институти мамлакатда шу соҳада олиб бориладиган барча тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради. Иигирмадан зиёд институт эса қишлоқ хўжалик фанларига доир тадқиқотлар билан машғул.



☀ Сан Жоржо Мажоре черкови Авлиё Георгий оролчасида жойлашган. Олд томони оппоқ тусда ишланган бу ибодатхонани меъмор Палладио лойиҳалаган. Черковда рассом Тинтореттонинг ранг-баранг асарлари, Карпаччио мўйқаламига мансуб Авлиё Георгийнинг аждаҳони енгаётгани акс эттирилган асар сақланади.





- Авлиё Пётр майдони меъмор Жон Лоренцо Бернининг шоҳ асаридир. Майдонга виа дела Кончилиьяционе орқали бориш мумкин. Бу кўча 1937 йилда очилган бўлиб, у Авлиё Пётр мажмуида маҳобатли саҳна кўринишини ҳосил қилган. Эни 240 метрлик чўзиқ тарздаги майдонни Бернини 1656-1667 йиллар давомида улуғвор колоннадалар, яъни ярим доира шаклидаги қатор устунлар асосида яратган.
- Тўрт қатордаги дорий услубида ишланган 284 та устун устига авлиёлар ва жафокашларнинг 140 та ҳайкали ўрнатилган.
- Майдоннинг икки томони бўйлаб улуғвор фавворалар отилиб туради. Унинг қоқ марказида Мисрдан келтирилган, эрамизнинг I асрига доир улкан ёдгорлик жойлашган. Уни ўзи қурдирган циркни безатиш учун император Калигула Римга олиб келган экан. Ёдгорлик бу ерга 1586 йили ўрнатилган, чуққисида табаррук бут сақланади.

БОЛОНЬЯДАГИ ЭНГ ҚАДИМГИ УНИВЕРСИТЕТ





Болонья университетида олиб борилаётган илмий-педагогик ишлар савиясига Европа ва Осиёдаги олий ўқув юртларида қизиқиш катта. Москвадаги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ҳам Болонья тажрибаларини кўп йиллардан бери кузатиб келади. 2007 йилнинг 25 октябрида академия ректори профессор Виталий Иванович Видяпин раҳбарлигида Болонья университети тажрибасини ўрганиш учун навбатдаги хизмат сафарига отландик. Делегация таркибига магистратура бўлими раҳбари Ольга Витальевна Сагинова ва ҳалқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Андрей Александрович Савранский ҳамда Видяпин иккала мизнинг рафиқаларимиз ҳам киритилган бўлиб, сафаримиз 4 ноябргача давом этди.






*Римнинг жаҳонга машҳур тарихий
обидаларидан бири.*



Ватиканнинг умумий кўриниши.





- Равеннанинг мумтоз меъморлик санъатида қимматбаҳо мармар нақшлар ва Византия услубида ишланган кўркам мозаикалар ажойиб бир тарзда уйғунлашгани эътиборингизни тортади. Бу ерда Венеция ҳукмронлиги давридан қолган бой меъморий мерос ҳам мавжуд. Биз яшаган меҳмонхона атрофидаги Пьяцца дель Пополо, Рокка Бранкалеоне майдонлари, Уйғониш даврида дабдабали қилиб қурилган монастирлар, XVI асрда бунёд этилган Классенсе кутубхонаси ва бошқа обидалар қадимий меъморлик санъати боис беқиёс гўзаллик касб этган.
- Машҳур Сан Витале черкови дантехонлик фестиваллари ўтказиладиган қароргоҳ экан. Унинг қурилиши қирол Теодорих томонидан 521 йили бошланган ва 547 йилда тугалланган. Бу ибодатхонанинг саккиз бурчакли биноси меъморлик санъатининг ҳақиқий дурдонасидир. VI асрда қурилган кўпдан-кўп нақшинкор бинолар ҳам кишида ҳайрат уйғотади.